

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 811.512.133

ЮСУБОВА РАНО НОРБОЙЕВНА

**Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва
ортиқчалик (А. Орипов лирикаси мисолида)**

10.02.01- ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2011

Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар — филология фанлари номзоди
МАҲКАМОВ Неъмат

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
КАРИМОВ Суюн

филология фанлари номзоди, доцент
РИХСИЕВА Гулчеҳра

Етакчи ташкилот — Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси 2011 йил__ ойининг__ куни соат__ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли фан доктори илмий даражасини бериш бўйича ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.
Манзил: 100170. Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.
Манзил: 100170. Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2011 йил “_____” _____да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари номзоди

Д. Худайберганова

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, миллатимизнинг руҳи бўлган ўзбек тили қурилишининг илмий-назарий талқини миллий мафкура ва ғояларимизнинг равнақи учун муҳим заминлардан биридир. Республикамиз Президенти И.А.Каримов:“...ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир”¹, -деб бежизга таъкидламаган эди. Ҳар бир тил жамият билан биргаликда узлуксиз тараққий этиб борар экан, лингвистик омиллар тилшунослар олдига янги-янги тадқиқотларни қўндаланг қўяверади. Айниқса, бадиий асар тилини ўрганиш ўзбек тилшунослигининг ҳозирги кундаги мунозарали ва долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда ижодкорлар маҳоратини белгилаш унинг тил унсурларидан фойдаланиш борасидаги моҳирлиги мезони билан бевосита боғлиқ эканлиги яққол намоён бўлмоқда, бироқ бадиий нутқнинг барча қўринишларида тил бирликларини қўллаш ва танлаш имкониятлари бир хил эмас. Албатта, адабий меъёр ҳар бир тил учун катта ижтимоий аҳамиятга эга: маълум бир қолипга келтириш натижасида тилда доимо содир бўлиб турадиган фонетик, лексик, морфологик, синтактик ўзгаришлардан юзага келувчи бузилишларнинг олди олинади.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб ўзбек олимлари бадиий асар тилини ўрганиш билан шуғуллана бошладилар, натижада тилнинг коммуникатив хусусиятлари билан бир қаторда, экспрессив хусусиятларини ўрганишга ҳам жадал киришилди. Маълумки, бадиий матннинг бир қўриниши бўлган поэтик матнда фонетик, лексик-семантик, морфологик, синтактик шакллари нутқий ихчамликка асосланган ҳолда тушириб қолдириш ёки коннотатив маъно ифодалаш мақсадида орттириб қўллаш етакчи саналади, чунки бундай нутқ оҳанг жиҳатдан маълум бир тартибга солинган, ҳаётга муносабатни ҳис-туйғулар воситасида ифодалайдиган, ўқувчига эстетик таъсир этадиган, муайян ритмик қурилишга эга бўлган ижод маҳсулидир. Поэтик матнда тил бирликларини ўринли жойлаштира билиш муҳим аҳамиятга эгадир, зеро, хоҳ адабий тил, хоҳ бадиий тил бўлсин, агар меъёр бўлмаса, ғализлик юзага келади. Нутқда тил бирликларини меъёрдан ортиқ ҳолда тежаш ёки ортиқча қўллашда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин.

Поэтик матнда тежамлилик тамойилидан фоноцион энергияни тежаш орқали ихчам ва лаконик ифода, услубий равлонлик, вазн талабига мослаш, айрим ўринларда стилистик функция бажариш кўзда тутилса; лисоний ортиқчаликдан орттириб ёки кўп(тўлик) ифодаланган шакллар орқали коннотатив маъно ифодалаш назарда тутилади. Демак, поэтик матнда тил бирликларини таркибдан тушириш ёки ортиқча қўллашдан қўзланган мақсад қай даражада эканлиги муҳим аҳамиятга эга, бу эса танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. -Б.87.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида тежамлилик тамойилининг амал қилиш қонуниятлари А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ж.Элтазаров томонидан, ортиқчалик тамойили эса Н.Маҳкамов, Б.Шеронов томонидан монографик планда тадқиқ этилган. Шунингдек, тежамлилик тамойили хусусида М.Миртожиев, И.Шукуров, М.Мислиддинова, М.Туробова каби олимлар, ортиқчалик хусусида Р.Қўнғуров, Н.Маҳкамов, М.Туробова, О.Тожиев каби олимлар фикр юритганлар. Айрим дарслик ҳамда қўлланмаларда мазкур оппозитив тамойилларга тўхталиб ўтилган ўринлар учрайди.

Муайян ижодкорнинг тилдан фойдаланиш, тил бирликларини танлаш ва қўллаш маҳоратини аниқлашга бағишланган тадқиқотлар анчагина, бироқ тилшунослигимизда ҳозирга қадар лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойили стилистик нуқтаи назардан ўрганилган бирор тадқиқот кузатилмайди. Поэтик матнда лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилининг юзага келишидан кўзланган мақсадни бу ҳодисанинг стилистик функция бажаришга асослангани билан белгилаган ҳолда, асосий эътиборимизни мазкур оппозитив ҳодисаларни ўрганишнинг лисоний-услубий таҳлилига қаратдик.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Навоий давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган “Ўзбек тилини ареал ўрганишнинг назарий асослари” мавзуидаги истиқболли режа таркибига киритилган. Ушбу мавзу ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг 2005 йил 8 июндаги 5-сонли баённомаси ҳамда мазкур институт ҳузуридаги тилшунослик бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2008 йил 19 декабрдаги 4-мажлис баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотдан кўзланган мақсад ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний бирликларни тежаб қўллаш нутқий ихчамлик, мазмунни осон тушуниш, вазн ўлчовига мувофиқлик, лакониклик, бир хилликка йўл қўймаслик ва айрим ўринларда коннотатив маъно ифодалаш учун бўлса; лисоний ортиқчаликнинг услубий мақсадни назарда тутган ҳолда, шакллارнинг ортиқча ёки кўп қўлланиши билан юзага келишини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотда кўзда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилади:

- ўзбек тилшунослигида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилининг ўрганилганлик даражасини аниқлаш;
- поэтик матнда фонетик тежамлилик ва ортиқчаликнинг услубий хусусиятларини белгилаш;
- поэтик матнда лексик тежамлилик ва ортиқчаликнинг услубий хосланганлигини кўрсатиш;
- поэтик матнда семантик ортиқчалик ҳамда ундан кўзланган услубий мақсадни аниқлаш;
- поэтик матнда морфологик тежамлилик ва ортиқчаликнинг услубий

хосланганликни таъмин этишдаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

– поэтик матнда синтактик тежамлилик ва ортиқчаликнинг бадий ахборотни ифодалашдаги ўрнини кўрсатиш;

– мазкур кузатувлардан олинган натижаларни умумлаштириш ва якуний хулосалар чиқариш.

Тадқиқот объекти ва материаллари. Илмий изланишнинг объекти сифатида ўзбек шеъриятига муносиб ҳисса қўшган Абдулла Ориповнинг тўрт жилдлик “Танланган асарлар” тўпламининг 1-жилд(2000) ва 2-жилд(2001)и олинди. Шеърятда лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилининг усубий хусусиятларини тадқиқ этиш ишнинг предмети саналади.

Тадқиқотнинг методологияси ва бажарилиш усуллари. Тадқиқотнинг методологик асосини оламдаги нарсалар ҳодисаси, белгилар хусусиятларнинг объективлигини, оппозитивлигини, субстанционаллигини, тилнинг эволюцион ривожини эътироф этувчи диалектик мантик қонунлари ташкил этади. Диссертациянинг тадқиқ объекти поэтик матн бўлганлиги боис лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилини ёритишда тилшуносликнинг, асосан, қиёсий-тарихий, тасвирий, стилистик методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилининг лингвистик аспектда ўрганилганлигини қайд этган ҳолда, мазкур тамойиллар стилистик аспектда А.Орипов лирикаси орқали тадқиқ этилди.

2. Фонетик тежамлилик ва ортиқчалик сўзнинг фонетик кўринишида акс этиб, поэтик матнда вазн талаби, экспрессив бўёқ, поэтик мусиқийликни таъминлайди.

3. Лексик тежамлиликда троп(метафора, метонимия, синекдоха)лар ва субстантивлашган сўзлар орқали кенг тасвир қисқа баён этилиб, бадий тасвир кўлами ошса, лексик ортиқчаликда синоним ёки маъно жиҳатдан яқин сўзлар лексик бирлик сифатида ортиқча қўлланиб, турли экспрессив маъноларни рўёбга чиқаради.

4. Тежамлилик ҳодисаси тил бирлигининг шаклий томони билан боғлиқ бўлиб, шунга кўра, семантик тежамлиликни шаклан ифодалаб бўлмайди.

5. Семалар такрори семантик ортиқчаликда амал қилиб, семаларнинг бир архисема асосида мазмуний майдонни ҳосил қилиши натижасида архисеманинг хусусий семалари реаллаштирилади, танланган семалар такрорида фикрни таъкидлаш, бўрттириш, эмоционал-экспрессивлик кузатилади.

6. Морфологик тежамлилик маълум қўшимчанинг белгисиз келиши ёки фонетик қисқаруви билан юзага келиб, поэтик матнда ортиқчаликка барҳам бериш, вазн ҳамда услуб талаби билан юзага келса, морфологик ортиқчаликда бир хил ёки синоним шакл ясовчиларнинг дистант ёхуд контакт равишда ифодаланиши эмоционал-экспрессивликка хизмат қилади.

7. Лексик-морфологик ортиқчаликда лексик ҳамда грамматик маънолар такрори маълум бир стилистик функция бажаришга хосланган бўлади, ортиқча қўлланиш сўз ва аффикс доирасида юзага келади.

8. Синтактик тежамлиликда ихчам, лаконик ифоданинг фикрни тез ва осон тушунишга имкон яратиши поэтик матн талабларига мос келади, синтактик ортиқчаликда эксплицит ифодаланган фикрда максимал аниқлик, коннотатив маъно кучли ифодаланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Тадқиқотда илк бор лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилининг бадиий матнда, аниқроғи, поэтик матнда қай даражада амал қилиши мумкинлиги аниқлаб берилди:

- лисоний тежамлилик ва ортиқчаликни ифодаловчи бирликларнинг ҳозирги ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигига доир луғатлар, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, диссертацион ишлардаги талқини ва ўрганилиш даражаси аниқланди;

- лисоний тежамлилик ва ортиқчаликнинг юзага келишида лисоний бирликларнинг мавқеи белгиланди;

- лисоний тежамлилик ва ортиқчаликнинг бадиий асар тилида тутган ўрни очиқ берилди;

- лисоний тежамлилик тамойилида фоноцион энергияни тежаш вазн ўлчови талаби билан боғлиқ бўлиши, юзага келган ихчамликнинг экспрессив вазифага хизмат қилиши каби масалалар ёритилди;

- лисоний ортиқчаликнинг поэтик матн мисолида стилистик вазифани таъмин этишдаги аҳамияти кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот бадиий асар тилига оид изланишлар учун муҳим назарий манба бўла олади. Илмий тадқиқот натижалари ва материаллари олий ўқув юртлари филология йўналиши бўйича яратилаётган матн лингвистикаси, бадиий матннинг лисоний таҳлили, ўқитувчи нутқ маданияти, ўзбек тили стилистикаси фанларидан маърузалар ўқиш, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ўтишда амалий аҳамият касб этади. Бадиий асар тили, поэтик матн билан боғлиқ илмий тушунчаларнинг шаклланиши ва ривожига муайян ҳисса бўлиб қўшилади. Иш материалларидан дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар ҳамда амалий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Диссертация натижаларидан Навоий давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти йўналишидаги бакалаврларга бадиий матннинг лисоний таҳлили, ўзбек тили стилистикаси ҳамда танлов фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулот дарсларини олиб боришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот мазмуни юзасидан Навоий давлат педагогика институтида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда (2008, 2009), Самарқанд Давлат чет тиллар институтида “Тил тизими ва нутқий фаолият” (Самарқанд, 2010) номли республика илмий анжуманларида маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот хулосалари бўйича Республика илмий журналларида 3та, Россия Федерациясида 2 та, илмий тўпламларда 3 та – жами 8 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 151 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида матн ва унинг моҳияти, матн тузилиши ва турлари, матннинг гапдан фарқли томонлари, шунингдек, бадий матн ҳамда унинг таркибий қисми бўлмиш поэтик матн хусусида фикр юритилади. Поэтик матннинг илмий-назарий асослари Б.Умурқулов¹, И.Мирзаев² томонидан кўрсатиб берилган. Маълумки, поэтик матнни тил бирликларининг кўлами кенг шакллари юзага келтиради; бадий-эстетик ғоя поэтик фонологик бирликлар, поэтик лексик бирликлар, поэтик морфологик бирликлар, поэтик синтактик бирликлар орқали шаклланади. Демак, поэтик матнга хос қатъий структуравий талаблар мавжуд. “Бадий матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади”³. Тилнинг барча сатҳларида амал қилувчи лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойили бадий матннинг шаклланишида зарурий воситалар саналиб, тежамлилик тилда маълум тил бирлигини белгисиз қўллаш ёки қисқартириш натижасида юзага келса, ортиқчалик тил бирликларини плеонастик қўллаш орқали юзага келади.

Диссертациянинг асосий қисмида ўзбек тилшунослигида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилининг лингвистик аспектда ўрганилиши бўйича юзага келган тадқиқотларга муносабат билдирилиб, мазкур тамойилларни стилистик томондан ўрганишнинг афзалликлари поэтик матн мисолида таҳлил этилди.

Биринчи боб “**Лисоний тежамлилик ва ортиқчаликнинг ўрганилиши ҳамда фонетик шаклларда ифодаланиши**” деб номланган. “**Лисоний тежамлилик ва ортиқчаликнинг ўрганилиши**” деб номланган бўлимда дастлаб тежамлилик ва ортиқчалик терминлари илмий-назарий асосланган.

XX асрнинг 30-йилларидаёқ Л.В.Щерба “адабий асар ғояси ва у билан боғлиқ эмоционал мазмунни ифодалайдиан тил воситаларини кўрсатиш”

¹ Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. –Тошкент: Фан,1990.

² Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. -Ташкент, 1992.

³ Ёлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси.-Тошкент: Фан, 2008. -Б.88.

матн лингвистик талқинининг асосий вазифаси эканлигини таъкидлаган эди¹, лисоний тежамлилик ва ортиқчалик ана шундай воситалар бўлиб, бу қонуниятлар асосида фоноцион ва эстетик куч мавжуд бўлади. Инсонларнинг ўзаро мулоқоти натижасида ахборот узатишнинг икки тури-имплицит ва эксплицит ифода юзага келади. Улардан биринчиси фикрни яширин, ёпиқ ифодалаш билан тежамлиликка асосланса, иккинчиси аниқ, очиқ ифодалаш билан ортиқчаликка асосланади ва улар бир-бирига зид қўйилади.

Тилшунослар томонидан “онгли иқтисод қилиш”, “лингвистик иқтисод”, “экономия принципи” “тил экономияси” каби терминларнинг қўлланиши тежамлилик тамойилининг моҳиятини белгилайди, чунки бирор тил бирлигининг белгисиз келиши ёки фонетик қисқаруви билан тежамлилик юзага келади. Тежамлилик тамойили лисоний тараққиётда муҳим ўрин тутиб, тилда оптималликка интилиш талаби билан юзага келади. Ихчамликка, қулайликка интилиш тил бирликларини тежашга, бу эса ўз ўрнида фоноцион энергиянинг тежалишига, нутқ аъзоларининг ҳаракатини енгиллатишга олиб келади. Поэтик матнда бундан қўзланган мақсад вазн талаби ҳамда поэтикликни, хосликни таъминлаш сабабидандир.

Тилшуносликда ортиқчалик атамаси икки талқинга эга: 1) матнда ҳеч қандай семантик юк олмаган, яъни бирор вазифа бажармаган тил бирлиги; 2) адабий меъёрга нисбатан олиниб, шартли ифодаланади, яъни мавжуд семантиканинг турли тил бирликларида такрорланиб, ортиқча маънога эгалик қилиши. Ортиқча деб ҳисобланган маъно факультатив ёки тавтологик характерда бўлмай, маълум коннотатив, эмотив маъно ифодалашга хосланган бўлади. Ортиқчалик, биринчидан, тил бирликларида доимий ўзига хослик сифатида, иккинчидан, услубий ортиқчалик сифатида тушунилади². Биз тадқиқотимизда ортиқчаликнинг иккинчи хусусиятига асосландик. Ушбу термин рус тилидаги **избыточность**, айрим Европа тилларидаги **плеоназм** терминларига синоним сифатида қўлланган деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Плеоназмда “бир хил ёки синонимик ифода воситаларининг, яъни тил бирликларининг семантик жиҳатдан такрор (избыточный) ҳолда бўлиши”³ мазмунни аниқлаштириш мақсади билан юзага келади, кўпинча стилистик фигура сифатида бадиий мазмунни оширади⁴. Шунингдек, плеоназм ва тавтология ҳодисаларининг яқинлиги уларнинг бир хил ҳодиса сифатида қаралишига олиб келган ўринлар мавжуд⁵. Б.Шероновнинг фикрича, тавтология плеоназмнинг бир кўриниши бўлиб, унда бирор сўз ўз

¹ Қаранг: Новиков Л.А. Лингвистическое толкование художественного текста. -М.:Русский язык,1979. - С.8.

² [http://ru.wikipedia.org/wiki. Жизнь языка. Эр.И.Хан-Пира.Плеоназм и тавтологии.Разные судьбы плеоназмов.](http://ru.wikipedia.org/wiki.Жизнь_языка.Эр.И.Хан-Пира.Плеоназм_и_тавтологии.Разные_судьбы_плеоназмов)

³ Маҳмамов Н. Адабий норма ва плеоназм. -Тошкент: Фан, 1988. -Б. 17.

⁴ Бу ҳақда қаранг: [http:// yandex.ru. Kviatkovskii A.P. Pleonazm // Kviatkovskii A.P. Poeticheskii slovar'](http://yandex.ru. Kviatkovskii A.P. Pleonazm // Kviatkovskii A.P. Poeticheskii slovar'). -М.: Sov. Entsikl.,1966. -S.215.

⁵ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. III. -М.: Просвещение,1968. -С.307.

шаклий хусусиятини сақлаган ҳолда такрорланади¹, ҳолбуки тавтологияда сўз шаклан такрорланмай, мавжуд фикр янги информацияга эга бўлмаган ҳолда, бошқа сўзлар билан ўринсиз такрорланади: *тирик жон, сўз сўзламоқ* каби. Тавтология юнонча *tautologiya* < *tauto* < айнан, ўша+ *logos*-сўз, таълимот деган маънони беради², айнан сўз дейилганда, бир хил маънога эга икки сўз англашиниб, уларнинг бирикувидан стилистик хосланиш кузатилмайди, яъни “маъно аниқлаштиришга ёрдам бермайди”³. В.И.Корольков “тавтология жинс тушунчаси”⁴, Н.Маҳкамов эса плеоназм жинс тушунчаси, тавтология тур тушунчаси эканлигини асосли равишда таъкидлайди⁵. Г.Аджибекова плеоназмни яқин маъноли ёки синоним сўзларнинг ўзаро аниқловчи-аниқланмиш муносабатида бирикишидан юзага келади⁶, деб кўрсатади, плеоназмнинг лексик кўриниши уни тавтологияга яқинлаштиради. Юқорида тавтологияда бирор тушунчанинг бошқа лексемалар билан такроран ортиқча қўлланиши айтиб ўтилди. Бироқ плеонастик қўлланиш тилнинг барча сатҳларида кузатилади, бу хусусда Н.Маҳкамов келтирган аниқ таърифга юқорида тўхталдик. Лисоний ортиқчалик бадий матнда плеоназм кўринишида амал қилиб, мавжуд маъно тил сатҳларида услубий талаб билан қайта такрорланади, шунга кўра плеоназм такрор сўзлардан ҳам фарқланади. Такрор сўзларда шакл айнан такрорланиб, ўзаро тенглик муносабати амал қилса, ортиқчаликнинг плеонастик кўринишида такрорланаётган шакллар стилистик фарқни юзага келтиради; такрор сўзлар грамматик шакл саналади, плеоназм эса стилистиканинг объекти ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида тежамлилик тамойилининг фонетик-фонологик сатҳда мавжудлиги XIX асрда қайд этилган бўлса-да, XX асрнинг 50-йилларида француз тилшуноси А.Мартине мазкур тамойилнинг амал қилиш қонуниятларини асослаб берган⁷. Ўзбек тилшунослигида М.Миртожиев⁸, М.Саитбоева⁹, И.Шукуров¹⁰, Н.Маҳкамов¹¹, М.Мислиддинова¹², М.Турובה¹³ лар тежамлиликнинг юзага келиш сабаблари борасида фикр

¹ Шеронов Б. Ўзбек тили гап қурилишида лисоний ортиқчалик: Филол.фанлари номзоди ...дисс.автореф. – Т., 1996. –Б.9.

² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: ЎзМЭ, 2002. –Б.101.

³ Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М.: Русский язык, 1991. –С.785.

⁴ Корольков В.И. К теории фигур// Сборник научных трудов. Вып. 78. Московский государственный педагогический институт иностранных языков им. Мориса Тереза. –М., 1973.–С..93.

⁵ Маҳкамов Н. Кўрсатилган асар. –Б.9.

⁶ Аджибекова Г.Д. Место плеоназмов в системе средств языковой избыточности (на материале современного казахского языка) // Советская тюркология, 1982. –№1. –С. 60.

⁷ Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое о лингвистике. Вып.3. –М.:Иностранная литература, 1969. –С.232-233.

⁸ Миртожиев М. Ўзбек тилида эллипсис натижасида синекдоханинг содир бўлиши // Ўзбек тилшунослиги масалалари. 475-чиқиши. –Т., 1975. –Б.59-67.

⁹ Саитбоева М. Ўзбек тилида феъл кесими эллипсисга учраган айрим гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. –№5. –Б.76-77.

¹⁰ Шукуров И. Эллипсис сабабли отларда нуткий метонимиялар содир бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. –№3. –Б.44-46.

¹¹ Маҳкамов Н. Терминологияда “экономия принципов” // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: I Республика терминология конференцияси материаллари. –Т., 1986. (бюллетень ЎЗР ФА). –Б. 49-50.

¹² Мислиддинова М. Талаффуздаги тежамлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2005. –№5. –Б.80-83.

¹³ Турובה М. Синтактик тежамлилик ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2006. –№ 5. –Б. 79-83.

юритадилар. Дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг 70-йилларида А.Нурмонов¹, Н. Маҳмудов,² 90-йилларда Ж.Элтазаров³ томонидан яратилди. Ж.Элтазаров сўз туркумларида ўзаро кўчишнинг тежамлилик тамойилига муносабати ҳақида ҳам фикр юритади⁴. Айрим адабиётларда морфологик (аффиксал) тежамлилик⁵, синтактик тежамлиликка⁶ тўхталинган.

Туркологияда даставвал Г.Ф.Благова⁷ ортиқчаликнинг плеонастик кўринишини таҳлил этган бўлса, Р.Қўнғуров⁸, М.Туробова⁹ бу хусусда қисқа тўхталганлар. Айрим ишларда фонетик ортиқчалик¹⁰, кўпгина адабиётларда¹¹ ва баъзи ишларда¹² аффиксал ортиқчаликнинг амал қилиши хусусида фикр юритилган. Лисоний ортиқчаликни Н. Маҳкамов¹³, Б.Шеронов¹⁴ монографик планда тадқиқ этишган. Бу ҳодисаларнинг оппозитив хусусиятларини Н.Маҳкамов¹⁵, О.Тожиев¹⁶ қиёсан таҳлил этганлар.

¹ Нурманов А. Принципы экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. -Т.,1973.

² Махмудов Н. Эллипсис в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. -Т.,1978.

³ Элтазаров Ж. Усечение в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. -Самарқанд, 1992.

⁴ Элтазаров Ж. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши: Филол. фанлари д-ри дисс. ...автореф. -Т., 2008.

⁵ Ўзбек тили грамматикаси / Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиев таҳрири остида. I том. -Т.: Фан, 1975. -Б.183, 213-216, 226-228; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Т.: Ўқитувчи, 1980. -Б.223; Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1983. -Б.79-101; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Юнусова З., Абдулова М. Ҳозирги ўзбек тили. -Т.: ЎЗМУ, 2007. -Б.167.

⁶ Ғуломов А. Содда гап. -Т.: Фан, 1955. -Б.90; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. -Т.:Фан, 1974. -Б.19-68, 195-196; Ўзбек тили грамматикаси. II жилд. -Т.: Фан, 1976. -Б.197-201; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. -Т.: Фан, 1978. -Б.38-39; Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. -Т.: Ўқитувчи, 1987. -Б.127-128.

⁷ Благова Г.Ф. Тюркский аффиксальный плеоназм в сравнительно- историческом и ареально-лингвистическом освещении // Вопросы языкознания, 1968. -№6. -С.81-98.

⁸ Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. -Тошкент: Фан, 1981. -Б.146-160.

⁹ Туробова М. Ўзбек шеваларида синтактик плеоназмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 1982. -№ 5. -Б. 50-54.

¹⁰ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлиқнинг ифодаланиши. -Т.: Фан, 1983. -Б.8-21; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол.фанлари номзоди ...дисс.автореф. -Т.,1997. -Б.11-17; Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар // Туркий тилларнинг фонологияси ва морфонологиясининг долзарб масалалари. -Нукус, 2005. -Б.47-48; Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол.фанлари номзоди ...дисс.автореф. -Т., 2008. -Б.9-11.

¹¹ Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. 1-қисм.- Самарқанд, 1975 -Б.15-26; Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилда форма ясаиши. -Т.: Ўқитувчи, 1979; Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. -Т.: Фан, 1975. -Б.31, 107-109; Ҳожиев А. Феъл. -Т., 1983. -Б.101-103; Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. -Т.:Ўқитувчи, 1983. -Б.79-101; Сайфуллаева Р ва б. Кўрсатилган асар. -Б 166-167.

¹² Гулямов А.Г. О некоторых особенностях аффиксов с уменьшительно- ласкательным значением в узбекском языке //Научные труды ТашГУ. Новая серия. -Т.,1964. -Вып.268. -С.15-23; Назаров К. Эгалик аффиксларининг -иси формаси ҳақида // Научные труды ТашГУ. -Т.,1962. -Вып.202. -С.5-14;

¹³ Маҳкамов Н. Аффиксальный и лексико-аффиксальный плеоназм в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Т., 1983. 19с.

¹⁴ Шеронов Б. Кўрсатилган автореферат. -Т., 1996. 21б.

¹⁵ Маҳкамов Н. Лисоний ортиқчалик ва тежамлилик натижасида вужудга келган десемантизация //Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 2002. -№2. -Б.25-28; Қонун ижодкорлигида лисоний ортиқчалик ва тежамлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 2003. -№6. -Б.77-79; Терминологияда ортиқчалик ва тежамлилик принциплари // Филология масалалари: Илмий мақолалар тўплами.-Т.: ЎЗДЖТУ, 2006. -№1. -Б.55-57.

¹⁶ Тожиев О. Аффиксал тежамлилик ва ортиқчалик диалектикаси // Ўзбек тили ва адабиёти.-Т., 2001. -№5. -Б. 77-79.

Биз мазкур тадқиқотда поэзияда лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилининг стилистик, эстетик қийматини А. Орипов лирикаси мисолида тадқиқ этишни мақсад қилдик.

“Поэтик матнда фонетик тежамлилик ва ортиқчаликнинг услубий хусусиятлари” деб номланган бўлимда поэтик матнда товушнинг туширилиши ёки орттирилишидан кўзланган мақсад хусусида фикр юритилган. Маълумки, товушлар нутқда қўлланилиши жиҳатидан ўзига хосликларга эга, поэтик матнда сўзнинг фонетик қиёфаси унинг услубий хусусиятини очишда ёрдам беради. Фонетик тежамлилик сўздан айрим бўғинларни ёки товушларни тушириш, яъни сўзни қисқартириш билан юзага келади, фоноцион энергиянинг тежалиши сўзлаш органларининг ҳаракатини ҳам енгиллаштиради. Асоснинг шаклий томонини тежашга интилиш сўроқ олмошларида кўп кузатилиб, поэтик матнда *нима* олмоши *не, на* архаик шаклида қўлланганда, вазн талаби (силлабик тенглик, қофия талаби), талаффуз қулайлигига мослаштирилади ҳамда айрим ўринларда экспрессив вазифа бажаради. Бу шакллар баъзан келишиқ қўшимчалари билан белгисиз келиб, фонетик-морфологик тежамлиликни юзага келтиради: *не топдингиз-нимани топдингиз* каби. Шакл мазмун талаби билан юзага келади, *не* шакли контекстда *қандай, қанча* сўроқ олмошларининг семантикасини ифодалайди. Масалан, *қанча* олмоши ўрнида *не* шакли мисрада такрор ҳамда якка қўлланганда, уч бўғиннинг тежалишидан нутқий ғализликнинг олди олиниб, талаффуз ихчамлаштирилади, қўшимча бўёқ, бир хил шаклнинг такрорланишидан эшитиб таъсирланиш кузатилади:

Не-не ўлкаларнинг не даҳолари. (I,295)

Товушларни доимий равишда фикрдан айри олиб бўлмайди, фикр товуш билан боғлиқ ҳолда воқеланади, товушнинг қандай товуш билан ёндош келиши, товуш миқдорининг кам ёки орттирилган ҳолда ифодаланиши услубий омиллар билан чамбарчас боғлиқ.

Ишда *қайси* олмошининг *қай* шаклида келиб, *қаер* ёки *қандай* олмошини ифодалаган ўринлар поэтик матн қиёсида таҳлил этилди.

Ўзбек тилида фузия кўринишлари фонетик тежамлиликка кўра юзага чиқади, масалан, *ола оларкан* феълида ҳар иккала сўзнинг бошида лаблашмаган, орқа қатор, кенг унли - *о* товуши талаффуз этилганда ноқулайлик кузатилади, натижада фузия талаффуз қулайлиги нуқтаи назаридан элизия кўринишида амал қилади:

Қайси бир куч ололаркан сени қўлимдан. (I,56)

Ёки синкопа ҳодисасига кўра *саҳифа* сўзида *и* тор унлиси тушганда, урғу биринчи бўғинга кўчади ва бир мисрада такрор келганда оҳанг тезлашиб, таъкид маъноси юзага келади:

Бир саҳфа шодлигу, бир саҳфа заҳмат. (I,230)

Ишда халқона оҳангларни ёрқин ифодалаш, “шеърларда ўлчовни тўғрилаш”¹, талаффузни енгиллатиш мақсадида апокопа (*машина-мошин, газета-газет* каби), диереза ҳодисалари билан юзага келувчи (*миллион,*

¹ Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1977. –Б.367.

зурриёд сўзларидан иккинчи бўғинлар-ли, ри туширилиб милён, зурёд тарзида) номеъерий фузиянинг қўлланганлиги фонетик тежамлилик асосида таҳлил этилди, шунингдек, ёрдамчи сўзларнинг моддий ифодасида товушни иқтисод қилишдан *лекин* (*лек*), *билан* (*ила*, *-ла*), *учун* (*-чун*) ихчамлик, қулайлик, бўғинлар тенглиги назарда тутилиши ҳақида маълумот берилди.

Ортиқчалик тамойилининг бошқа кўринишларига нисбатан шартли равишда сўзда товушни орттириб қўллашга фонетик ортиқчалик деб қаралди.

Маълумки, қўш ундошлар, яъни геминаталарда бир хил ундошли ҳолат юзага келади, бу ҳодиса дастлаб биринчи бўғин фонетик тузилишини сақлаб қолиш тенденцияси натижасида ҳосил бўлган¹, эски туркий тил даврида бошланган ундошлардаги иккилик (*ики-икки* каби)², кейинчалик адабий меъёрга айланган. Поэтик матнда геминаталар(ундошлар чўзиқлиги)нинг ноадабий формалари маънони кучайтириш талаби билан ортиқча қўлланади:

Уччовлон бекачдир бу гул даргоҳда. (I,309)

А.Абдуллаевнинг фикрича, геминаталарда бир ундош орттиришнинг ўзи билан маъно кучайтирилмайди, балки қўш ундошлиликни юзага келтириш билан урғуни олдинги бўғинга кўчириш ва ўша бўғиндаги унлини кучли талаффуз этиш учун замин ҳозирланади,³ геминаталар от туркумига мансуб сўзларда кўпроқ қўлланади: *тепа-теппа*, *ошиқ-ошииқ*, *сири-сирри*, *ҳақи-ҳаққи* каби. “Нутқ занжирида бирин-кетин келиб, эстетик вазифа бажарувчи товушлар...фонопоэтик бирликлар”⁴ бўлиб, масалан, “р” товуши иккилантирилганда, талаффузда тил ҳаво зарбидан титраши орқали оҳангдорлик(эвфония) юзага келади:

Бу ииқ сиррин китоб этдинг, китобинг ичра мен борман. (I,276)

“Фонографик жиҳатдан сўздаги бир ундошнинг такрор миқдори у ифодалаб келаётган экспрессив бўёқ миқдорини белгилайди”⁵, “Соҳибқирон” шеърий драмасида Темур нутқи орқали *халқ* сўзи XIII аср тилига монанд равишда *раият* шакли билан берилган, бироқ шоир яна бир й ундошини орттириб *раийят(раиййат)* шаклида қўллайди, натижада *и* тор унлисининг бирмунча чўзиқроқ талаффуз қилиниши таъкид маъносини юзага келтирган:

У раийят,

Яъни халқнинг гуч иродаси. (II, 397)

Фоникада мисралардаги унли ёки ундош товушларнинг тузилиши, конструктив вазифаси ўрганилади⁶, бу вазифа фонетик ортиқчалikka ҳам дахлдордир, сабаби шеърий ритмда чўзиқлик бирламчи талаблардан бири бўлиб, талаффузга асослангани боисидан, фоностилистик аҳамиятга эгадир. Баъзан сўзда унинг архаик шаклида мавжуд бўлган товушни қўллаш, яъни

¹ Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. –Т.: Шарқ, 2005. –Б.92.

² Тўйчибоев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1990. –Б.62.

³ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлиكنинг ифодаланиши. –Т.: Фан, 1983. –Б.11.

⁴ Турсунова О. Фонопоэтикада қофия масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2009. –№1. –Б.104.

⁵ Яхшиева Г. Кўрсатилган автореферат. –Б.15.

⁶ [http:// feb-web-gu/ Фоника/](http://feb-web-gu/Фоника/) Литературная энциклопедия. Т.11.

вариантдорлик орқали эшитиб таъсирланиш юзага келади, бу вариантлар ҳозирги ўзбек адабий тили билан нисбатлаганда фонетик ортиқча саналади: *шу/ шул, ўшалар/ ўшал, бу/ бул, у/ ул* каби. Ёрдамчи сўзларда: *балки/балким, агар/магар* тарзида. Ёки адабий тилдаги *этса, ярашади, ўтириб* сўзлари поэтик матнда *элтса, ярашадир, ўлтириб* каби ноодатий кўринишда алоҳидаликни, хосликни ифодалаш мақсади билан қўлланади.

Эътибор берилса, “фонемаларни эшитиб ҳис қила олиш”¹, яъни перцептив аспектда ўрганиш орқали товуш характери аниқланади, бу хусусият фонетик ортиқчалик орқали амалга оширилар экан, поэтик матнда товуш тузилиши фикр мазмуни билан органик боғланиб услубий аҳамиятга эга бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Лексик-семантик тежамлилик ва ортиқчалик ҳамда унинг услубий хусусиятлари**” деб номланган. Бобнинг биринчи бўлимида **поэтик матнда лексик тежамлилик ва ортиқчаликнинг услубий хосланганлиги** таҳлил этилган.

Тилшуносликда кўчиш кенг тушунча бўлиб, масалан, субстантивацияда лексема тежалиб, қисқа ва лўнда ифода юзага келади, шу нуқтаи назардан, бу ҳодисага лексик тежамлилик сифатида қаралди. Маълумки, “сифат сўз туркумида баҳолаш муносабати имкониятлари кенг эканлиги намоён бўлади”², одатда, баҳо муносабатлари *яхши* ва *ёмон* белгилари остида бирлашади, халқ мақолларида *яхши* ва *ёмон* лексемалари шахсга кўчирилиб, белги унинг ўзида намоён бўлади: *Яхши яхшига ёндаштирар, ёмон йўлдан адаштирар* каби. Сифатларнинг отлашуви унинг бошқа сифат семантикасини ифодалашига сабаб ҳам бўлади, масалан, поэтик матнда *қора, ола, оғир* сифатлари характер-хусусият ифодаловчи *ёмон* сифатининг маъносини ифодалайди, натижада сифатларнинг денотатив маъноси кучсизланиб, коннотатив маъноси биринчи планга чиқади:

Унга уқтирдилар,

***Оқни қора* деб. (II,99)**

Уч лексема мавжуд бўлган байтда икки лексема субстантив ҳолда такрор қўлланган, шунингдек, иккинчи мисрада анафорик эллипсис мавжуд, яъни кесим(*ўхшар*) туширилган, тежамлиликнинг икки кўринишидан ўта ихчам ифода юзага келиб, таъкид маъноси кучайтирилган:

Кичик кичикка ўхшар,

***Катталарга катталар.*(I,235)**

Диссертацияда субстантивлик бошқа сўзлар мисолида ҳам ўрганилди.

Бадий услуб учун аҳамиятли саналган троплар гуруҳига кирувчи метафора, метонимия ва синекдохада ҳам тежамлиликнинг лексик ҳолатда содир бўлишини кузатиш мумкин. Масалан, метонимия ва синекдохада бирор бўлакнинг тушиб қолишига қарамасдан маънонинг тўлиқ англашилиши матнда фикрни ихчам, лўнда ифодалаб бериш эҳтиёжига тўла

¹ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -Б.56.

² Пардаев З. Нутқ инновацияси ва уларда баҳо муносабатининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 2009. – №1. -Б.106.

мос келиб, ўта қисқаликка интилиш яхлит бир тушунчанинг ихчам ифода орқали шаклланишида аниқ рўёбга чиқади. Е.А.Земская метонимиянинг тежамлиликка алоқадорлиги сабабини унда сўз бирикмаси ўрнида сўз қўлланиши билан изоҳлайди¹. Лексик тежамлилик йўли билан *хонадон* сўзи бир ўринда метонимияни юзага келтирса, бир ўринда синекдохани юзага келтиради, бу эса ижодкор сўзнинг семантик қамровини чуқур билишини кўрсатади. “Хонадонда яшовчи кишилар” маъноси метонимия йўли билан *хонадон* номига кўчирилиб, туширилган лексема ҳисобига нутқий қулайлик юзага келган:

*Келинпошиша оғироёқ,
Ташишдадир хонадон. (II, 77)*

Синекдохада “бўлак(қисм) номининг бутун номига ўтиши асосий ҳолат бўлиб”², энди қисм(*хонадон*) орқали бутун(*Ўзбекистон*) назарда тутилганда, бадий умумлаштирувчилик юзага келади:

*Минг-минг шуқр, замон келиб истиқболга эришдингиз,
Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдингиз. (II, 224)*

Ижодкор ёшларни эндигина мустақил бўлган Ўзбекистон(*хонадон*)нинг ривожланиши йўлида меҳнат қилиши улуғланиб, ижодий маҳсул бўлган поэтик синекдохада яширин ифода орқали кенг фикр ихчам шаклда юзага келтирилган.

Диссертацияда метафора, метонимия ва синекдоханинг янги маънонинг ҳосил бўлишида “тасвирланаётган предметнинг муҳим томонини қисқа, тежаб ифодалашга ёрдам бериши”³ таҳлил этилди.

Тил лексикасида ҳам ортиқчалик кузатилиб, лексик ортиқчалик синоним ёки маъно жиҳатдан яқин сўзлар лексик бирлик сифатида ортиқча қўлланса юзага келади. Бирлаштирувчи семема айнан бўлса-да, синоним лексемалар ижобий ёки салбий муносабат ифодалаш (маъно оттенкалари), стилистик хосланиши, маъновий бўёқдорлик даражасига кўра ўзаро фарқланади, “синонимлар нутқда қайтариқларга йўл қўймаслик, нутқни равон тузиш имконини...беради”⁴. “Синонимлар воситасида тасвирланаётган давр хусусиятларини тўлароқ акс эттириш, турмуш воқеаларини янада аниқроқ тасвирлаб бериш... мумкин”⁵, масалан, архаик сўз мавжуд маънодоши билан маънони аниқлаштириш ҳамда таъкидлаш мақсадида қўлланади:

*У раийят,
Яъни халқнинг гуч иродаси.. (II, 397)*

Юқорида *раийят* шаклида бир й товушининг орттирилиши билан фонетик ортиқчалик юзага келганини таъкидлаган эдик. Ижодкор бў ўринда ортиқчаликнинг иккинчи бир кўринишини-лексик ортиқчаликни қўллаган.

¹ Земская Е.А. Русская разговорная речь:лингв. Анализ и проблемы обучения.-2-е изд. перераб. и доп. –М.: Русский язык, 1987. -С.67.

² Ўзбек тили лексикологияси. –Т.: Фан, 1981. -Б.229.

³ Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Т.: Фан, 1977. -Б.23.

⁴ Ўзбек тили лексикологияси. -Т.: Фан, 1981. -Б.244.

⁵ Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. -Т.: Фан, 1976. -Б.18-19.

Бир ортиқчаликнинг иккинчи бир ортиқчаликнинг воқеланишига имкон яратиши экспрессив таъкидни юзага келтирган. Ижодкор кўп ўринларда от, сифат, феълларнинг синонимик қаторидаги уч сўзни кетма-кет плеонастик қўллайди, натижада фикрни аниқлаштириш, таъкидлаш, коннотатив вазифа бажариш, такрорийликка йўл қўймаслик мақсад этилади. Масалан, сифат синонимларда:

*Хануз кўксимизни тирнайди фироқ,
Гарчи сиз музаффар, голиб, қахрамон. (II, 262)*

Ибораларнинг мазмун планида эмоционал-экспрессивлик етакчи бўлгани боис лексемадан фарқли ўлароқ, воқеликни баҳолаб кўрсатиш устун бўлади. Синоним иборалар баҳо оттенкаси ва нутқий хосланиши, бўёқдорлик даражаси нуктаи назаридан фарқланади. Улар плеонастик қўлланган ўринларда маъно бўрттирилганини кузатиш мумкин:

*Қуриб кетган, суягига ёпишган эти,
Қалби тўла ҳасад экан- ношукур банда. (I, 336)*

Ишда ижодкор яратган парафразалар муқобил лексема билан плеонастик қўлланганда стилистик ёки экспрессив вазифа бажариши, шунингдек, ёрдамчи сўзларнинг синонимлари билан плеонастик қўлланишига шартли равишда лексик ортиқчалик сифатида қаралиб таҳлил этилди.

Бобнинг иккинчи бўлими **“Поэтик матнда семантик ортиқчалик ҳамда унинг услубий хусусиятлари”** деб номланган. Таъкидлаш жоизки, тежамлилик ҳодисаси сўзнинг шаклий томони билан боғлиқ бўлиб, тежамлиликда тил бирликларини тежаш-қисқартириш, тушириб қолдириш орқали кам фоноцион куч сарф этишга интилинади, яъни тежамлилик маълум тил бирлигининг моддий ифодаланмаслиги билан юзага келади. Тилда семантик тежамлилик деб ажратиш мантиқан хато, тежамлилик фонетик, лексик, грамматик шаклларда мавжуд бўлиб, семантик тежамлиликни шаклан ифодалаб бўлмайди.

Семалар такрори натижасида юзага келган ортиқчаликка семантик ортиқчалик дейилади, бунда турли сўз туркумларига кирувчи ҳамда бир-бири билан мазмуний муносабатда бўлувчи сўзлар синфи туркумлараро лексик майдонни ташкил этади ва такрор семалар ўзаро тобелик муносабатида бирикади. Семаларнинг бир архисема асосида мазмуний майдонни ҳосил қилиши натижасида архисеманинг хусусий семалари реаллаштирилади ва конкретлаштирилади, танланган семалар такрорида фикрни таъкидлаш, бўрттириш, эмоционал-экспрессивлик кузатилади. Масалан, баъзан шахс оти олдидан унинг белгисини англатувчи сўз келади, билъакс от туркумидаги сўзда унинг белгиси аниқ бўлади:

Қайси куни йиглаб кетди бир мўйсафид чол. (I, 332)

Чол лексемасининг денотатив семалари қуйидагилар: *“шахс”, “қарилик белгисига эгалик”, “соч-соқоли оқарган”, “ёши катта”* каби. Мўйсафид чол конструкциясининг иккала компонентида ҳам семантик майдон *“қарилик”* бўлиб, бу ўринда чол архисема, яъни умумий сема саналади. Мазкур

семантик майдон чол архисемаси атрофида бир неча семаларни бирлаштиради. Қуйидаги семалар чол архисемасининг хусусий семалари бўлиб, услубий фарққа эгадир: “*мўйсафид*”, “*кекса*”, “*табаррук*”, “*мункиллаган*”, “*нуроний*” каби. Поэтик матнда архисемага атрибутив бириккан хусусий семалар семантик ортиқчалик мавқеида бўлиб, мазмунни реаллаштиради. Ижодкор *мўйсафид* чол бирикувида “нисбатан қари”, *кекса* чол бирикувида “анча қари”, *мункиллаган* чол бирикувида эса “жуда қари”, *нуроний* чол бирикувида “нурли чехра”, *табаррук* чол бирикувида “ғоят ҳурматли” семаларини субъектив муносабатда таъкидлаб кўрсатган. Бунда архисемага атрибутив бириккан хусусий семалар семантик ортиқчалик мавқеида бўлади.

Диссертацияда “шахс” архисемаси координатив муносабатда *инсоният фарзанди, башар фарзанди, одам ўғли, инсон боласи* шакллари орқали; шунингдек, семантик ортиқчаликнинг объектли ёки релятив шакллари (*кўзидан ёш оқарди, томирда қон бўлиб оқиб, қўлда қурол билан жанг қилмоқ*), атрибутив шакллари (*қирмиз ёки алвон қон, қора тун, норасида гўдак, ёлғиз ой*), изоҳловчи-аниқланмиш конструкциясига ўхшаш шакллари *сен ўзинг, бизнинг баримиз, буларнинг бари*) поэтик матн мисолида таҳлил этилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Грамматик тежамлилик ва ортиқчалик ҳамда унинг услубий хусусиятлари**” деб номланган. Даставвал поэтик матнда морфологик тежамлиликнинг келишик, эгалик, шахс-сон ҳамда кесимлик аффиксларида услубий хосланиши таҳлил этилган.

Морфологик тежамлилик маълум аффикснинг белгисиз келиши ёки фонетик қисқаруви билан юзага келади. Поэтик матнда келишик кўшимчаларининг белгисиз қўлланишига турли услубий омиллар сабаб бўлади. Ўзбек тилида қаратқич келишиги ҳамда тушум келишигининг белгисиз шаклда қўлланиши қонуний ҳодиса, шу боисдан боб аввалида қаратқич ва тушум келишикларининг омонимик характердаги -н варианты билан дистант ёки контакт кўринишда берилишидан ёки белгисиз келишидан (баъзан жўналиш ёки ўрин-пайт келишиклари билан) кўзланган стилистик мақсад таҳлил этилди.

Маълумки, жўналиш келишиги йўналганлик (*мактабга бормоқ*), хослик (*ниятига етмоқ*), аталганлик (*онасига олмоқ*) каби маъноларни англатади, аффикснинг белгисиз қўлланиши ўрин отлари ҳамда “ўрин англатувчи сифатларда юз беради”¹. Вазн талабига кўра жўналиш келишиги йўналиш маъносини такрорламаслик мақсади билан ўрин отида белгисиз қўлланган:

Кунларимиз жилғалардай ўтдилар оқиб,

Мактаб бордик- оғир бўлиб қолдик дафъатан. (I, 114)

Шунингдек, у ҳам ўлжа излаб тубан боқади мисрасида тушум келишиги ҳамда III шахс эгалик аффикси (*ўлжасини*) контакт ҳолатда, ўрин сифатидан эса жўналиш келишиги (*тубанга*) туширилиб, уч бўғиннинг

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т.: Фан, 1975. –Б.238.

тежалиши нутқий қулайликни юзага келтирган. Ёки кишилиқ олмошидан қаратқич келишиги ва отлашган сўздан жўналиш келишиги дистант ҳолатда туширилганда, нутқий ғализликнинг олди олинади:

Улар шеъри учди кўп йироқ. (I,178)

Тежамлиликка, амал қилинмаган ўринларда вазн бузилиши кузатилади: *Уларнинг шеъри учди кўп йироқ жойларга* типиди. Жўналиш келишиги *томон* кўмакчили сўзда бирлаштирувчи шакл бўлса, кўпинча белгисиз ифодаланади:

Илҳом шоир томон йўл олди ночор. (I,300)

Диссертацияда поэтик матнда ўрин-пайт келишигининг (бир ўринда чиқиш келишигининг) белгисиз қўлланиши; келишикларнинг уюшиқ бўлакларга яхлитловчи шакл сифатида қўшиливи дистант ҳолатдаги морфологик тежамлилик сифатида таҳлил этилди. Шунингдек, қаратувчи кишилиқ олмоши билан ифодаланганда I ва II шахс кўплик, баъзан I шахс бирлик эгалик шаклининг туширилиши ёки қаратувчи ифодаланмаган ўринларда белгисиз эгалик аффикси тусланган кесимга нисбат бериб тикланиши морфологик тежамлилик сифатида таҳлил этилди.

Маълумки, феъл “конструктив имкониятлари кенг”¹ сўз туркуми ҳисобланади. XVIII-XIX асрларга оид айрим шеърий асарларда *а л м а м* тарзидаги феъл шакли учрайди², бунда -м аффикси ҳозирги-келаси замон(-й) ҳамда шахс-сон(-ман) аффиксларини ўзида жамлаган. Ҳозирда бу шакл поэзия тили учун хосдир, мазкур архаик аффиксга шартли равишда морфологик тежамлилик деб қаралди:

Мен демам асло сени:шўрлик Тўқай. (II,86)

Лингвопоэтик жиҳатдан феълларнинг ўзига хос ясалмаларини ўрганиш уларнинг семантик маъно доирасини таҳлил этади³, масалан, -м аффикси феълда иккинчи бир замон - ўтган замон феълини ифодалаши кузатилади:

Билмадим не боис, билмам не сабаб,

Исмимни бировга раво кўрмасман. (II,98)

Диссертацияда эга I, II шахс кишилиқ олмоши билан ифодаланган ўринларда от кесимда кесимлик аффиксининг белгисиз ифодаланишига морфологик тежамлилик сифатида қаралди ва бундай ўринларда лексик-морфологик ортиқчаликка барҳам берилиши таҳлил этилди.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Поэтик матнда морфологик ортиқчаликнинг ифодаланиши**” деб номланган. Морфологик ортиқчалик аффиксларнинг бир сўзга бир хил ёки синоним аффикс сифатида кетма-кет тарзда ёхуд бир аффикснинг бир неча сўзга ёнма-ён қўшиливидан юзага келади ва шунга кўра дистант ёки контакт ҳолатда жойлашади. Даставвал феълда кўплик маъносининг дистант ҳолатда плеонастик ифодаланиши таҳлил этилди. Маълумки, биргалик нисбати иш-ҳаракатнинг

¹ Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. -МГУ, 1957. -С.394.

² Абдурахмонов Ғ, Шукуров Ш, Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2008. -Б.261.

³ Рихсиева Г. Ўзбек тилида баъзи ноодатий феъл-ясалмалар поэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 2007. -№2. -Б.77.

икки ёки ундан ортиқ субъект томонидан бажарилганлигини кўрсатишига кўра кўплик маъносини ҳам ифода этади: *келишди (келдилар)* каби. А.Ориповнинг ҳазил-мутойиба руҳидаги шеърларида *анграйишиб қолишди, ўйланишиб қолишди* тарзидаги аналитик шаклларда биргалик нисбатнинг дистант ҳолатда плеонастик қўлланишидан таъкид маъноси назарда тутилган. Биргалик нисбат “бошқа нисбат шакллариغا қараганда изчил равишда сўз маъносига таъсир этади”¹, эга кўплик, метафорик мазмундаги кесим биргалик нисбатини олганда, экспрессив маъно бўртиб туради:

Узун - узун дарёлар

Ётишибди узалиб. (I,234)

Бир ўринда мазкур формалар равишдош+феъл шаклли сўз бирикмасида плеонастик қўлланиб, эмотив вазифа бажаришга хосланган:

Ҳозирчалик ёмон эмас

Яшайдилар қувнашиб. (I,162)

Контакт позициядаги морфологик ортиқчалик бир феълга кўплик ҳамда биргалик нисбат формалари қўшиливида кузатилади: *қўшишдилар, ичишдилар* каби. Шунингдек, шахс-сон аффиксининг I шахс кўплик шакли биргалик нисбати билан контакт ҳолатда плеонастик қўлланганда, таъкид маъноси англашилади:

Тўпланишдик ҳар биримиз ташланмоққа шай. (II,356)

Поэтик матн мисолида *-лар* аффиксининг *биз, сиз* олмошларига контакт равишда, предикатив бирикмага дистант ҳолатда ортиқча қўшилиши, шунингдек, кўплик, эгалик, келишиқ, шахс-сон, баъзи ўринларда *-ми* сўроқ юкламасининг уюшиқ бўлақларда дистант ҳолатда морфологик ортиқча қўлланиши таҳлил этилди. Лексик-морфологик ортиқчалик, яъни аналитик ҳамда синтетик йўлнинг аралаш ҳолда плеонастик қўлланиши кўплик маъно(*минг-минглаб байтлар, турфа хил хатлар, неча-неча саройлар, кўп йиллар*)сини, предикатив бирикмада шахс-сон маъно (*Мен Темурман*)сини, қаратувчи-қаралмиш конструкция(*менинг созим*)сида қарашлилиқ маъносини, сифат ва равишнинг қиёсий даража(*бир оз ортиқроқ, сал барвақтроқ*)ларида қиёслаш маъносини таъкидлаб кўрсатиши поэтик матн мисолида ўрганилди.

Бобнинг учинчи бўлими “Поэтик матнда синтактик тежамлилиқ ва ортиқчалиқнинг услубий хосланганлиги” деб номланган. Тежамлилиқ тамойилининг синтактик сатҳдаги кўриниши эллипсис тарзида намоён бўлиб, *ellipsis* (грекча, тушириб қолдириш)² ёки “(етишмовчилиқ), яъни гап мазмунига таъсир этмасдан баъзи сўзларнинг туширилиши кўпинча маъно ва эффектни кучайтиради”³. Масалан, контекстуал тўлиқсиз гапларда эллипслашган бўлақлар “шу тўлиқсиз гапдан олдин ёки кейин келган қўшни гаплар орқали аниқланади”⁴:

¹ Сулаймонова К. Биргалик нисбат шаклининг баъзи бир грамматик ва семантик хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 2002. -№5. -С.75.

² Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т., Ўқитувчи, 1992. -Б.113.

³ Бу ҳақда қаранг: <http://ru.wikipedia.org/wiki/> -Материал из Википедии.

⁴ Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар.-Тошкент: Фан, 1978. -Б.32.

*Ёш бургут учмоқда кўкда шиддаткор,
 ...Учмоқда, қалбида мағрур ишонч бор,
 Қақшаган қоялар, чўққилар сари
 Учмоқда! Қаерга? Чўққига! Нечун?* (1,43)

Бир мисрада диалог типдаги *Қаерга? Чўққига! Нечун?* эллиптик шаклларида уч гапнинг мазмуни уч сўзга репрезентация қилинган: *Ёш бургут қаерга учмоқда?*; *Ёш бургут чўққига учмоқда*; *Ёш бургут нечун чўққига учмоқда?* каби. Нутқий контекст таъсирида конструкция таркиби эллипслаганда, гап бирикма ёки сўз ҳолатида шаклланиб матн билан боғлиқ ҳолда мазмунан тўлиқ бўлади. Афзаллик шундаки, зарур мазмун биринчи планга чиқади, поэтик матнда фикр қанча қисқа берилса, у шунча таъсирчан бўлади.

Диссертацияда контекстуал тўлиқсиз гаплар, ситуатив тўлиқсиз гаплар, эллиптик гапларга формал имплицит ифода, жим қолиш усулига “соф” имплицит ифода сифатида қаралиб, поэтик матн асосида таҳлил қилинди. Формал имплицит ифода дейилишига сабаб эллипсисда туширилган бўлакни предикацияда қайта тиклаш мумкин, жим қолиш усулида эса ижодкорнинг сукути орқали унинг руҳий изтироблари, психологик ҳолати, моҳиятни англаш ўқувчига ҳавола қилинади.

Гапда шакл-мазмун муносабатидаги номуносиватлик шаклий бирликларнинг кўп ифодаланиши натижасида рўёбга чиқиши синтактик ортикчаликни юзага келтиради. О. Шероновнинг фикрича, изоҳловчилик бутунлик ҳар доим ортикча ҳиссага эга бўлади¹, фикримизча, изоҳловчилар ортикчаликка дахлдор эмас, бунда предмет қўшимча ном билан аталиб, бу ном предметнинг белгиси, хусусиятини ифодалайди, яъни у аниқловчидир. Маълумки, ажратилган бўлакларда ярим предикативлик мавжуд, шунга асосан, ажратилган изоҳловчи доимий ортикчаликни ифода этади, десак хато бўлмайди. Ажратиш натижасида ортикчаликка имкон яратилади, яъни гап қурилмасида мавжуд маънога ажратилган бўлакдаги маъно семантик тавсиф беради, ажратиш қурилмада ортикчаликни юзага келтириб, қўшимча семантик “юк”ка эга бўлади. Изоҳловчилик изоҳланмиш+ажратилган изоҳловчи+ажратилган изоҳловчи тартибида ҳатто интонацион хусусиятлар ҳам “ортикча” ҳиссага эга бўлади, натижада интонацион кўтарилиш содир бўлади:

*Қассоб оғайним бор-
 Қароқчи-“пират”*(1,228)

Биринчи ажратилган изоҳловчи (*қароқчи*) изоҳловчилик изоҳланмиш (*қассоб оғайним*)нинг хусусиятини ўхшатиш орқали бўрттириб очиб берган бўлса, иккинчи ажратилган изоҳловчи (*пират*) *қароқчи* лексемасининг рус тилидаги эквиваленти бўлиб, маънони янада бўрттириб ифодалаган. Изоҳланмиш ўз олмошидан тузилганда ажратилган изоҳловчининг моддийлашуви фикрни реаллаштиришга сабаб бўлади: *Йўқлаб келди, -деди, -сизни, ўзи, маликам* каби. Тилшуносликда деярли қайд этилмаган равишда

¹ Шеронов Б. Кўрсатилган автореферат. -Б.10

бу шаклнинг тескари жойлашув орқали фикрни реаллаштиришга хизмат қилиши А.Ориповнинг тил имкониятларидан маҳорат билан фойдаланишини кўрсатади: *Сизни қўллаб турар Ўзбегим –ўзим* типиди. Биринчи мисолда ўз олмоши шахс отини аниқлаштиришга хизмат қилган бўлса, иккинчи мисолда шахс оти ўз олмошини аниқлаштиришга хизмат қилган.

Диссертацияда ажратилган иккинчи даражали бўлаклар, умумлаштирувчи сўз билан қўлланган уюшиқ бўлаклар, ёйиқ ҳамда ажратилган ундалмалар синтактик ортикчалик сифатида поэтик матн асосида таҳлил этилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилшунослигида тежамлилик тамойилининг фонетик, морфонологик, синтактик сатҳда, ортикчалик тамойилининг морфологик (аффиксал), синтактик сатҳда амал қилиши лингвистик аспектда ўрганилган бўлиб, ишда мазкур ҳодисаларнинг стилистик аҳамияти поэтик матн мисолида таҳлил этилди.

2. Поэтик матнда фонетик тежамлилик айрим сўроқ олмошлари ҳамда ёрдамчи сўзларнинг фонетик қисқаруви, фузия ҳодисасининг меъёрий ёки номеъёрий кўринишлари асосида юзага келиб, фоноцион энергияни тежаш орқали вазнда юзага келган талаффуз билан боғлиқ айрим ноқулайликларнинг олдини олиш, талаффузда қулайликка интилиш, шунингдек, силлабик тенгликни сақлаш, айрим ўринларда экспрессив вазифа бажариш мақсад қилинади.

3. Фонетик ортикчалик шартли равишда товушнинг ортикча қўлланишида амал қилиб, поэтик матнда нутқ товушлари талаффузи билан боғлиқ эвфоник оҳанг, эмоционал-экспрессивликнинг акс этиши геминаталарда, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг фонетик вариантдошлигида аниқ кўринади

4. Лексик тежамлилик қуйидаги шаклларда ифодаланади:

а) субстантивацияда лексемани тежашдан поэтик матнда фикрни ихчам, қисқа ифодалаш орқали лаконик ифодада аниқ мазмунни юзага келтириш, баъзи ўринларда коннотатив, эмотив маънони рўёбга чиқариш назарда тутилади;

б) метафорада образли ихчамлик, метонимия ва синекдохада фикрнинг “зич” жойлашиши маълум бир аъзонинг туширилиши ҳисобига рўй бериб, янги лексик маънонинг ҳосил бўлишига замин яратади, умумлаштирувчилик, жамлик, тасвирийлик, ажратиб кўрсатиш имкониятларига эгаллиги билан ажралиб туради.

5. Лексик ортикчалик қуйидаги кўринишларда амал қилади:

а) синонимик муносабатдаги лексема ёки фраземаларнинг семантик қўламини ҳисобга олган ҳолда қўллашда такрорийликка йўл қўймаслик, замон ҳамда маконни аниқлаш, таъкид, эмоционал-экспрессивликни оширишга хизмат қилиш мақсад этилади.

б) поэтик парафразалар муқобил лексема билан плеонастик қўлланганда, оддий тасвирдан образли тасвирга ўтиш, коннотатив вазифа назарда тутилади.

6. Лисоний таҳлилларга асосланиб, тежамлилиқнинг юзага келиши шаклларнинг қисқариши, туширилиши билан боғлиқ бўлгани сабабли, семантик тежамлилиқни шаклан ифодалаб бўлмайди, деган хулосага келинди.

7. Семантик ортиқчалик семаларнинг плеонастик қўлланиши билан юзага келиб, семаларнинг бир архисема асосида мазмуний майдонни ҳосил қилиши архисеманинг хусусий семаларини реаллаштиради, поэтик матнда предикатив, атрибутив, релятив, координатив муносабатдаги танланган семалар такрорида фикрни таъкидлаш, бўрттириш орқали эмоционал-экспрессивлиқни ошириш кўзда тутилади.

8. Морфологик тежамлилиқ поэтик матнда қулайлиқ, ихчамлиқни таъминлашга хизмат қилиб, келишиқ, эгалиқ, шахс-сон, кесимлиқ аффиксларини стил мақсади билан тежаш такрорийлиққа йўл қўймаслиқ, силлабик тенглиқ, нутқий қулайлиққа интилиш орқали бадий ахборотни аниқ тушунишга имкон беради.

9. Морфологик ортиқчалиқ бир хил ёки синоним аффиксларнинг дистант ёхуд контакт ҳолатда плеонастик қўлланиши билан юзага келиб, поэтик матнда асосан шакл ясовчилар эмоционал-экспрессивлиқни ошириш, эстетик бўёқ бериш, таъкидлаш ҳамда икки хиллиққа йўл қўймаслиқ мақсади билан қўлланади; лексик-морфологик ортиқчалиқ эса лексема ва аффикслар доирасида атрибутив, координатив, предикатив тартибда жойлашиб, эмотив-услубий маъно тавсифида бўлади.

10. Эллипсисда гапдан муҳим бўлмаган бўлақларни нутқ ситуацияси ҳамда контекстга боғлиқ ҳолда тушириш орқали ихчам, лўнда фикрни ифодалаш мақсад этилса, жим қолиш усулида мисраларнинг имплицитлиққа хизмат қилиши тиниш белгиси (қўп нуқта) ва интонация(оҳангнинг бирдан кесилиши, тўхтаб қолиш, тугалланмаганлиқ, сукут)нинг эстетик мақсадга қаратилиши билан боғлиқ ҳолда синтактик тежамлилиқни ифодалайди.

12. Имплицитлиққа зид равишда эксплицит ифода синтактик ортиқчалиқ тамойилида ажратилган бўлақ, уюшиқ бўлақ, умумлаштирувчи бўлақ, такрор, ёйиқ ҳамда ажратилган ундалмаларда амал қилади ҳамда шаклий-мазмуний тўлиқлиқ, интонацион бутунлиқни таъминлайди, эмоционал-экспрессив, коннотатив, эмотив вазифани бажаришга хосланган бўлиб, маънонинг аниқ ва тушунарли бўлишига хизмат қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Юсубова Р. Эгалиқ-қарашлилиқ семасининг эллиптик ифодаланиши //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2008. -№4. -Б.65-68.

2. Юсубова Р. Айрим кишилиқ олмошларида -лар кўрсаткичи // Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг XXIII илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. III қисм. -Навоий, 2008. -Б.62-64.

3. Юсубова Р. А.Орипов шеърларида семантик плеоназм //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент,2009. - №3.-Б.83-86.

4. Юсубова Р. Плеоназмнинг юкламалар доирасида қўлланиши // Илм сарчашмалари: УрДУ. -Урганч, 2009. -№4. -Б.97-99.

5. Юсубова Р. Синонимларнинг лексик ортиқчаликка муносабати хусусида // Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг XXIV илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. III қисм. -Навоий, 2009. -Б.46-48

6. Юсубова Р. Кўчимларда лексик тежамлиликнинг ифодаланиши // Тил тизими ва нутқий фаолият: Республика илмий-амалий анжуман материаллари: СамДЧТИ . -Самарқанд, 2010.-Б.254-255.

7. Принципы лингвистической экономии и избыточности в поэтических методах// Молодой учёный:ежемесячный научный журнал. – Чита(Россия), 2010. -№7. -С.174-176.

8. Разные принципы в поэтических текстах // Филологические науки. Вопросы теории и практики: научно-теоретический и прикладной журнал. – Тамбов(Россия), 2010. -№3(7). -С. 174-176.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Юсубова Рано Норбойевнанинг 10.02.01 - ўзбек тили ихтисослиги бўйича “Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик (А.Орипов лирикаси мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: лисоний тежамлилик ва ортиқчалик: фонетик, лексик, морфологик, синтактик тежамлилик ва ортиқчалик, семантик ортиқчалик, фоноцион энергия, плеоназм, тавтология, эллипсис, жим қолиш, метонимия, синекдоха, ажратилган бўлақлар, стилистик бўёқ, ситуация, контекст, имплицит, эксплицит ифода.

Тадқиқот объектлари: А.Ориповнинг 4 жилдлик “Танланган асарлар” тўпламининг 1-2-жилдлари тадқиқот материали бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг мақсади: тил сатҳларида мавжуд лисоний тежамлилик ва ортиқчалик тамойилларининг услубий хусусиятларини, коннотатив, эмотив вазифа бажаришдаги ўрнини поэтик нутқ мисолида тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқот методлари: ишда қиёсий-тарихий, тасвирий, стилистик методлардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тил сатҳларида мавжуд лисоний тежамлилик ва ортиқчаликнинг поэтик матнда амал қилиш масалалари монографик аспектда махсус ўрганилди; лисоний тежамлилик ва ортиқчаликнинг юзага келишида тил бирликларининг мавқеи белгиланди ва бадий асар тилини ифодалашдаги ўрни очиқ берилди; лисоний тежамлилик ва ортиқчаликни ифодалаш орқали А.Ориповнинг услубий маҳорати аниқланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот бадий асар тилига оид изланишлар учун муҳим назарий манба бўла олади. Иш материалларидан дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар ҳамда амалий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг илмий хулоса ва натижалари юзасидан илмий-назарий семинар ҳамда илмий анжуманларда маърузалар қилинган. Тадқиқот бўйича 8 та мақола нашр этилган.

Қўлланиш соҳаси: стилистика, лингвопоэтика

РЕЗЮМЕ

диссертации Юсубовой Рано Норбойевны на тему «**Лингвистическая экономия и избыточность в современной узбекской поэзии (на основе лирики Абдуллы Арипова)**» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.01- Узбекский язык

Ключевые слова: лингвистическая экономия и избыточность, фонетическая, лексическая, морфологическая, синтаксическая экономия и избыточность, семантическая избыточность, фоноционная энергия, плеоназм, тавтология, эллипсис, метод умолчания, метонимия, синекдоха, обособленный член, стилистическая окраска, ситуация, контекст, имплицитность, эксплицитность.

Объекты исследования: «Избранные произведения» А.Арипова в 4-х томах. Т. 1,2.

Цель работы: исследование принципов экономии избыточности в ярусах языка на основе поэтического текста.

Методы исследования: сопоставительно-исторический, писательный, стилистический.

Полученные результаты и их новизна: изучены в монографическом аспекте принципы экономии и избыточности в ярусах языка на основе поэтического текста; выявлено отношение языковых единиц в образовании лингвистической экономии и избыточности и определена их роль в отображении языковых средств художественной литературы; освещен художественно-стилистический характер поэзии А.Арипова на основе лингвистической экономии и избыточности.

Практическая значимость: результаты и научно-теоретические обобщения служат основным теоретическим источником в исследованиях языка художественной литературы. Материалы работы можно использовать в теоретико-практических целях в системе высшего, среднего специального и народного образования.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основываясь на научных выводах и результатах исследования были сделаны выступления на научно-теоретических семинарах и конференциях; опубликовано 8 статей по данной диссертации.

Область применения: стилистика, лингвопоэтика.

RESUME

Thesis of Jusubova Rano Norboevna on the scientific degree competition of the doctor of philological sciences on speciality 10.02.01.- the Uzbek language. Subject: «Linguistic economy and redundancy in modern Uzbek poetry (on a basis lyric poets Abdulla Aripov)»

Key words: linguistic economy and redundancy: phonetic, lexical, morphological, syntactical economy and redundancy, semantic redundancy, phonographic energy, a pleonasm, a tautology, ellipsis, a method default, a metonymy, a synecdoche, departed parts, stylistic coloring, a situation, a context, implicitness, explicitness.

Subjects of research: 1-2 – volumes of A. Aripov "The Selected works» in 4-volumes were served as a research material.

Purpose of work: To investigate principles of economy of redundancy in circles of language on the basis of the poetic text.

Methods of research: in the dissertation comparative-historical, descriptive, stylistics methods are applied.

The results obtained and their novelty: principles of economy and redundancy in circles of language on the basis of the poetic text are studied on monographic aspect; the relation of language units in formation of linguistic economy and redundancy and their role in the image of language of fiction is studied; it is shined is art-stylistic character of poetry of A. Aripov on a basis of linguistic economy and redundancy.

Practical value: the results and scientifically-theoretical the conclusions are the basic theoretical source in researches of language of fiction. Work materials can be used in the theoretic-practical purposes in system of the higher, average-special and national education.

Degree of embed and economic effectivity: the reports based on scientific results of the research have been made at scientific-theoretical seminars and conferences; 8 articles have been published on the given dissertation.

Field of application: stylistics, lingua poetics.